



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 188 (9.991)

2003 ЙИЛ 24 СЕНТЯБРЬ

## ПОЙТАХТНИНГ Дир Кўни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСКА

● **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ** «Интер-континентал» меҳмонхонасида 26 сентябрь кўни «Молиявий хизматлар» кўргазмаси очилди. АКШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги «Прагма» корпорацияси томонидан ташкиллаштирилган ушбу кўргазмада тижорат банклари, лизинг ва сугурта компанияларининг хизматлари намойиш этилади.

● **БУГҮН** уюштирилган туман ҳокимликлари ҳузурдаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари мутахассисларининг ўқув-семинари «Электр, телефон тармоқларига уланishi ва таъминоти юкларининг ҳисоб-китобини расмийлаштириш» мавзуга бағишланди.

● **«ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛ»** меҳмонхонасида ўндан ортик давлатлар мутахассислари иштирокда КЕЧА бошланган халқаро конференция Марказий Осиёда энергетика соҳаси бўйича минтақавий ҳамкорлик масаласига бағишланди.

● **ШАХРИМИЗДА** нодавлат ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида ўтказилган анжуман «Ўзбекистоннинг электрон оммавий ахборот воситалари: ривожланиш, ютуқлар, муаммолар» деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Собир Раҳимов туманидаги курилиш ва миллий хунармандчилик касбхунар коллежи жамоаси янги ўқув йилини янгича ўй-режалар билан бошлашди.

**СУРАТДА:** коллеж директори (ўртада) Ҳасан Йўлдошев ўқитувчилар билан келгуси режалар ҳақида ўртоқлашмоқда.

Ҳақимжон Солиқов олган сурат.



## АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес-марказда ахборот-коммуникация технологияларига (АКТ) бағишланган миллий анжуман бошланди.

У Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, БМТнинг Тараққиёт дастури (UNDP) ва ушбу дастурнинг «Рақамли тараққиёт ташаббуси» лойиҳаси ҳамда «Itea Osiyo» компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирдан кўзланган мақсад Ўзбекистонда АКТнинг ҳозирги аҳоли ва истиқболларига оид масалаларни

муҳокама қилишдир. АКТни ривожлантириш иқтисодий ва жамият тараққиётида муҳим аҳамиятга эга.

Тошкентда бошланган мазкур тадбир жорий йилнинг 10-12 декабр кунлари шу масалага бағишлаб Швейцариянинг Женева шаҳрида бўлиб ўтаётган халқаро анжуман олдидан ўтказилмоқда.

Иштирокчилар йўналишининг биринчи кўни АКТ билан боғлиқ турли йўналишлардаги масалаларни гуруҳларга бўлиниб муҳокама қилди.

Йўналишда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотларнинг мамлакатимизда АКТни ривожлантириш борасида кўрсатаётган ёрдами ҳақида ахборот берилди.

Йўналишнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори А.Орипов сўзга чиқди.

Ў.А

## XXI сағоси

Барча мамбалардан олган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Польша Республикаси Сеймининг (парламент) Польша-Ўзбекистон парламент гуруҳи раиси Элжбета Радзиевска раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ташқи Иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Фаниев билан учрашди.

● Тошкентда кўш энергияси бўйича Биринчи Марказий Осиё-Европа конференцияси бўлиб ўтди. У геолиттехника ишланмаларини амалиётга татбиқ этишнинг аниқ вазифаларига бағишланди.

● Кеча Халқаро бизнес марказида ахборот-телекоммуникация технологиялари бўйича миллий саммит очилди. Анжуман доирасида икки кун давомида ахборот-телекоммуникациялари бозоридagi глобал муаммолар муҳокама қилинди.

● «Кварнеланд» плуглари билан бутланган МХ-240 моделидаги Американиннг юқори унумли «Кейс» тракторларининг 50 таси республикамызга келтирилди.

● Тошкентда Россия технологияси бўйича ишлаб чиқаришчи «Наврў» ва «Увват» янги нон маҳсулотларининг тақдими бўлиб ўтди.

● Бир неча йилдирки, республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан мамлакатимизда «Воҳидов ўқишлари» илмий-амалий анжумани ўтказиб келинмоқда. Бу галги анжуман Андижонда бўлиб ўтди.

### Жаҳонда

● Шу ҳафтаниннг охирида БМТнинг савдо ва тараққиёт бўйича Конференцияси (ЮНКТАД) йиллик маърузасининг тақдими бўлиб ўтди. Бу йилги маъруза «2003 йилги жаҳон инвестициялари тўғрисида. Тараққиёт мақсадларида бевосита хорижий инвестициялар соҳасидаги сибсат: миллий ва халқаро аспектлар» мавзусида бўлди.

● АКШ Президенти Жорж Буш 20,3 миллиард доллар қийматлик Ироқни қайта тиклаш режасини тақлиф қилди. Ушбу ҳужжат АКШ конгрессига кўриб чиқиш учун топширилди ва тахминларга кўра, келаси ҳафтадаёқ маъқулланиши мумкин.

● «Рассоборон» ташкилоти бошлиғи Александр Батуринов ва Индонезия Давлат Таъминот қўмитаси бошлиғи Виджанарко Пуспо уртасида олтига қирувчи самолётни Индонезияга сотиш бўйича келишув имзоланди. Бу бийча 193 миллион долларни ташкил қилди.

● Хитой Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида эркин савдо ҳудудини жорий этишни тақлиф қилмоқда.

## ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ — 2003



## ҲАМИЮРТЛАРИМИЗНИНГ ДАСТЛАБКИ ЮТУҚЛАРИ

Марказий Осиё, шунингдек Шарқий Осиё давлатлари орасида ҳозирча фақат мамлакатимизда яна бир бор теннис бўйича Осиё чемпионати мусобақаларига қитъаниннг энг кучли катта ракетка усталарини жамлашга эришилди.

КЕЧА пойтахтимиздаги Тошкент теннис марказида ушбу нуфузли турнирнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Марказий кўрт узра мусобақалари остида Осиё чемпионатида иштирок этаятган 18 та давлатдан ташриф буюрган 50 дан зиёд теннис усталари саф тортишди.

Тантанали маросимда сўзга чиққан Осиё теннис федерациясининг президентини Салвадор Андрада Ўзбекистонда спортга, аинқиса тенниснинг ривожланишига давлат даражасида эътибор берилаятгани, шу боис мамлакатимиз ўзига хос теннис марказига айлана бораётгани, уч йил давомида Тошкентда Осиё чемпионатининг кетма-кет ўтказилиши эса ушбу турнирнинг энг улкан мусобақалари бўлиб қолиши, қолверса хаттоки Австралиянинг охиқ чемпионати — «Катта дубулга» тоифасидаги янада нуфузли мусобақа ҳам Осиё чемпионатини тан олганини таъкидлаб, Ўзбекистон дивердида ўтказилаётган турнир қатнашчиларига омад, юртимиз теннис ихлосмандларига қувончли дамлар тилади. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Комилжон Юсупов ҳам пойтахтимизда бир ҳафта мобайнида давом этаядиган катта теннис байрами билан барчани кутлаб, 2003 йилги Осиё чемпионати нафақат мамлакатимиз-


да, балки бутун Осиёда тенниснинг янада кенг ривожланишида муҳим омили бўлиши, Осиё теннис федерациясига аъзо мамлакатлар тарихида ҳам эркин саҳифа бўлиб қолишини таъкидлади. Тантанали маросимда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси президенти Азиз Носиров ва Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдурахмонов иштирок этди.

Осиё чемпионати очилиши маросимидан сўнг марказий кўртта Эрон давлати вакили Ануша Шаҳоли билан асосий ўйинлар жадалида учинчи бўлиб сараланган ҳамюртимиз Ваҳид Кученко тушди.

Айтиб ўтиш жоиз, Кученконинг кейинги пайтада эришган муваффақиятлари унинг профессионал теннис ассоциациясидаги рейтингини сезиларли даражада кўтарилишига имкон яратди. Шу йилнинг август ойига қадар Ваҳид АТР таснифида 184-рақам билан ўрин эгаллаб турганди.

Ҳамюртимизнинг рақиб тизимини Ануша Шаҳоли ватанида биринчи ракетка ҳисобланса-да, лекин жаҳон

миқсисида у унчалик катта натижаларга эришмаган. Балки шу фарк сабабли Ануша ва Ваҳид ўртасидаги беллашувини ўта муросасиз кечди дея олаймиш. Икки сетадан иборат ўйин ҳамюртимиз ҳисобиغا 6/2 ва 6/1 натижалари билан яқунланди. Матбуот конференциясида Ваҳид Кученко Осиё чемпи-



натидаги дастлабки ютуғига изох берар экан, финалга чиқиш умиди йўқ эмаслигини ва ўтган йилги турнирда ютказиб қўйган ҳиндистонлик Рохан Бопанна билан бу гал чемпионат шохсупаси учун беллашиши ҳам мумкинлигини айтиб ўтди.

Чемпионат жадалли бўйича кеча шунингдек яна унча ҳамюртимиз дастлабки муваффақиятларини қўлга киритди. Жумладан, саралаш ўйинларидан асосий турнирга чиққан Дмитрий Мазур Индонезиянинг қучли теннисчиси Суванди Суванди билан бўлган беллашувида, шунингдек мусобақани «квалифаи»дан бошлаган Олег Огородов ҳам қозғистонлик Диас Доскараев устидан осонгина ғалаба қозонишди.

2002 йилдаги Осиё чемпионатининг финалчиси Иванна Исроилова биринчи ўйинни ҳиндистонлик Анжита Бхамбри билан ўтказиб, дастлаб ўз рақибини синаб кўриш жараёнида илк сетни 1/6 натижаси билан бой берди.

Кейинчалик Анжитаниннг ҳаракатларини англаб олиб, 6/3 ва 6/1 ҳисоби билан устун келди. Нимчорак финалда Иванна асосий жадалда сақинчилик бўлиб сараланган корейлик Жин-Ионг Чои билан беллашади. Бугунги ўйинлар ичида асосий жадалда 6-рақамда сараланган ҳамюртимиз Оғул Омонмуродованиннг учрашуви кўпчилик кутганидек яхши натижалар беради деб умид қиламиш.

Осиё чемпионатининг мусобақалари давом этмоқда.

Ильмира ШАРАФУТДИНОВА  
СУРАТЛАРДА: асосий сет ўйинлари ва турнирнинг тантанали очилишдан лавҳалар.  
Сергей Любич олган суратлар

**Сафоат**

**МАҲАЛЛИЙ  
ХОМАШЁ ҲИСОБИГА**

Бугунги кунда мамлакатимизда дори-дармон ва уларни кадоқлашда қўлланиладиган тиббиёт идишлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи кўшма корхоналарнинг бир нечаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг асосий мақсади хориждан келтирилаётган маҳсулотлар ўрнини босувчи рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришдир.

Шуни айтиш лозимки, кейинги йилларда республикаимизда 300 турдаги янги дори-дармонлар тайёрлаш ўзлаштирилиб, қувонарлиси, уларнинг маҳаллий хом ашё ҳисобига ишлаб чиқарилаётганидир. Бу борада хорижий сармояларни жалб этган ҳолда ташкил этилиб, муваффақиятли фаолият кўрсатаётган кўшма корхоналарнинг ўзига хос ўрни бор.

Пойтахтимизда 2 йилдан буён фаолият кўрсатаётган «Фарм-глас» кўшма корхонаси жамоаси саб-ҳаракатлари билан мамлакатимизда тайёрланаётган дори-дармонларни кадоқлашда қўлланиладиган тиббиёт идишлари сифати ва рақобатбардошлиги билан буюртмачиларни мамнун этмоқда. Шу боисдан ҳам ушбу маҳсулот нафақат республикаимизда, балки хорижда ҳам ўз харидорларига эга бўлмоқда.

Корхона цехларига ўрнатилган замонавий-хорижий асбоб-ускуналар ана шундай маҳсулотларни тайёрлашда муҳим омили бўлиб, уларнинг турларини кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида корхонада замонавий линиялар асосида импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган маҳсулот тайёрлаш ҳажми 898,9 миллион сўмга етказилиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 117,7 фоизни ташкил этди.

Маҳсулот турларини кўпайтириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида яқин келгусида корхона цехларига янги технологик линия ўрнатиш режаланган. Шунингдек, кўшма корхонада Марказий Осиёда ягона «Мед-глас» шўба корхонаси ташкил этилиб, бу ерда суюқ дориларни кадоқлаш учун препаратлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

**ЖОНГА  
ДАРМОН НОН**

Пойтахтимизда кўп йиллардан буён фаолият кўрсатаётган «Тансиқ нон» акциядорлик жамиятида янги нон турини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Миробод туманидаги 57 та дўконда харидорларга тортиқ этиладиган ушбу нон маҳсулотини «Дока Торекс Корпорация» Россия-Ўзбекистон қўшма корхонаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришга эришилмоқда. Ноннинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у ундан эмас, балки бугдони дондан тайёрланади. Шуниси эътиборлики, янги нон маҳсулоти қон босими, қандли диабет, юрак хасталикларни, бошқа шу каби касалликлар билан оғриган беморларга тавсия қилиниши билан бирга, ана шу касалликларни даволашда ҳам фойдалидир. Кузатишлар шуни кўрсатадики, унсиз дондан тайёрланган нон маҳсулотини доимий истеъмол қилиш организмда қон айланишини таъминлаб, модда алмашинувини яхшилайди.

Дилноза ФИЁСОВА.

**• ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА**

**ИШЧИ ГУРУҲИ ЙИФИЛИШИ**

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиблари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш масалалари бўйича Тошкент шаҳар ишчи гуруҳининг семинар-мажлиси бўлиб ўтди.

Унда шаҳар ишчи гуруҳи аъзолари, туман ҳокимларининг иқтисод масалалари бўйича ўринбосарлари, туман тадбиркорлик объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлим бошлиқлари ҳамда тадбиркорлар иштирок этдилар. Семинарни Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдуқаҳҳор Тўхтаев олиб борди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси раиси Маҳмуджон Асқаров сўзга чиқиб туман ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларининг фаолиятини такомиллаштириш масалаларига тўхталиб, Вазирлар Маҳкамаси-

нинг мазкур қарорини тайёрлашда шу соҳанинг етуқ мутахассислари қатнашганлиги эътиборга моликлигини, мазкур қарор давлатимиз томонидан тадбиркорларимизга яратилаётган яна бир қулайлик эканлигини айтиб ўтди. Шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ахборот — таҳлил гуруҳи раҳбари Шухрат Абдуқодиров сўз оlib, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларининг фаолиятини ташкиллаштириш учун улар сафини малакали кадрлар билан тўлдириш, яъни талаб қилинганларини ўқитиш масалалари жуда долзарблигини таъкидлади. Бундан ташқари Тошкент шаҳар

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган катта эътибордан оқилона фойдаланаётган «Мухиба» хусусий фирмаси чеварлари маҳсулотнинг сифатли турларини тайёрлаб, ички бозорни рақобатбардош кийим-кечаклар билан таъминлашда ўз ҳиссаларини кўшишмоқда.

**СУРАТЛАРДА:** Гулнора Аҳмедова тиккан маҳсулот сифати билан буюртмачини мамнун этмоқда; чеварлар Азиза Жўраева ва Гўзал Шомансурова қўли гул тикувчилардан саналади.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.



**ИНВЕСТИЦИЯ - ИҚТИСОДИЁТ  
ТАЯНЧИ**

Иқтисодиётимиздаги муҳим юксалишлардан бири — мулк шаклининг ўзгариши ва хусусий тармоқнинг ривожланиши хорижий сармоядорларнинг мамлакатимизга қизиқишини кучайтирмоқда.

Дунёдаги кўплаб молия ташкилотларининг айнан хусусий тармоқни ривожлантириш учун инвестиция киритишга тайёр экани ҳам тугган йўлимиз тўғри эканлигидан далолатдир.

Амалдаги қонунчиликда инвестицион фаолият юритиш борасидаги барча ҳуқуқий асослар яратилган. Лекин иқтисодиётнинг юксалиб бориши ва кўлами янада мукамал ҳуқуқий асослар лозимлигини кўрсатмоқда. Мамлакатимиз бозорларига хорижий сармояни жалб қилиш, хорижий инвесторлар фаолиятини тартибга солувчи миллий қонунчиликни мукамаллаштириш инвестицион иқлимни янада яхшилашга хизмат қилади.

Шунинг учун ҳам жорий йилнинг май ойида ҳукуматимиз томонидан бу борадаги ишларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул

қилинди. Адлия вазирлигида ушбу қарор ижросини таъминлашга қаратилган тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Вазирликда мазкур мавзуга бағишлаб ўтказилган халқаро анжуманда шулар ҳақида гап борди. Унда хорижий инвестицияларни мамлакатимизга жалб этишнинг ҳуқуқий жиҳатлари, инвестицион фаолиятни амалга оширишда бериладиган имтиёзлар ва ҳуқуқларнинг кафолатлари, бу борада юзга келаётган муаммолар ва уларни бартараф этиш масалалари муҳокама этилди.

Анжуманда Германия-Венгрия савдо-саноат палатаси раиси В.Кляйн, Дуйсбург (Германия) ери судининг раиси И.Риш, Германиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси, Америка юристлар уюшмаси ҳамда бошқа қатор халқаро ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий компанияларнинг вакиллари, вазирликлар ва идораларнинг мутахассислари иштирок этди.

Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш бўйича, экспертиза, лойиҳа эскизини тасдиқлаш масаласини архитектура-шаҳарсозлик Кенгашида кўриб чиқиш ҳақида, рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича эксплуатация ташкилотлари «Тошкентгазтаъминот» шўба корхонаси, «Сувсоз» трести унитар корхонаси, «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Тошкент шаҳар телефон тармоғи акциядорлик жамияти раҳбарларининг чиқишлари ҳам тинланди.

Анжуманда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш масалалари бўйича тадбиркорларнинг муаммоларини ўрганиш ҳақида тавсиялар берилди ҳамда тадбиркорларнинг саволларига мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари жавоб бердилар.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

**ҚУРУВЧИЛАРГА  
ЕНГИЛЛИК  
ЯРАТМОҚДА**

Пойтахтимизда фаолият юритаётган «FANTTEX» хусусий корхонаси жамоаси хариidorларнинг қурилиш молларига бўлган эҳтиёжини қондириш йўлида изланмоқда.

Корхонада пардозлаш ва таъмирлаш ишларида фойдаланиладиган қуруқ қоришмаларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Илгари бу каби қоришмалар Туркия, Қозоғистондан юртимизга олиб келинарди. Шу боисдан ҳам замонавий технология асосида ана шундай маҳсулотнинг корхонада ишлаб чиқарилаётганлиги қувонарли ҳолдир. Шунингдек, корхонада икки турдаги «Кафелит» елими ва «Финиш» гипсли қуруқ қоришмалар ишлаб чиқарила бошланди. Ушбу қоришмалар Республика сертификатлаштириш миллий тизимида синовдан ўтказилди.

— Маҳсулотимизнинг муҳим томони, — дейди корхона раҳбари Озод Мўминов, — биринчидан улар ўзгармас, доимий сифатга эгадир, чунки қуруқ қоришмаларни тайёрлаш жараёни аниқ ҳисоблаб ташкил этилган. Иккинчидан, маҳсулотларимиз ёрдамида бажарилган пардозлаш, таъмирлаш ишлари анча йиллар мобайнида нурмаслиги билан аҳамиятга эгадир. Сабаби қоришмаларнинг таркибидagi қўшимчалар зарраларо тортишиш кучлари вақт ўтиши билан янада яхшиланади.

«FANTTEX» қурилиш қоришмалари экологик тоза, талабга жавоб берувчи ва оловга чидамли маҳсулот бўлиб, бунёдкорларга қурилиш ишларида оқиб кетмаслиги ва секин қотиш хусусияти билан енгиллик яратмоқда.

Шахло ҲОШИМОВА

Кузнинг салқин кунлари бошланиши ҳадемай кириб келадиган қиш фаслидан дарак беради, десак асло янглишмаймиз. Негаки, ушбу мавсумга тайёргарлик эрта баҳордан бошланиб, ёз бўйи давом этса-да, айнан куз оғохлантиргандагина қизгин паллага киради. Айниқса, ўтган мавсумда бирмунча азият чеккан истеъмолчилар «Бу йил уйларимиз исийдимми?» деган хавотирда. Шу боисдан ҳам пойтахтимиздаги «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси техник директори Абдухалил ВАЛИЕВ билан мулоқотимизни кузги-қишқи тайёргарлик ишларидан бошладик.

— Абдухалил Абдуллаевич, айтингчи, 2003-2004 йилги қишқи тайёргарлик режаси қандай амалга оширилмоқда?

— Қиш тайёргарлиқни ёқтиради, деб бежизга айтмайди. Бирлашмамиз ходимлари ҳам ана шунга амал қилган ҳолда ҳозирлик ишларини амалга оширишда ва охириги юмушларни ҳам ниҳояла саъй-ҳаракати давом эттирилмоқда. Энг муҳими эса кўзда тутилган ишларни сифатли бажаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунга келиб режадаги маҳаллий қозонхоналардаги яроқсиз ҳолга келиб қолган 59 та қозондан 57 таси янғисига алмаштирилди, 11 таси мукамал, 234 таси жорий таъмирдан чиқарилди. «Қорасув» 2- иссиқлик маркази, «Сувчи» қозонхонасидаги қозонларни жорий таъмирлаш мuddатида адо этилди. Иссиқлик тармоқларидаги иссиқлик изоляциясини тиклаш бўйича йиллик топшириғига кўра 35 километр ўрнига 43 километрдан ортиқ қувурда иш бажарилди. Шу кунга қадар 8000 та иссиқлик бўғинлари жорий таъмирланиб, қолғаларида бундай юмушлар қизгин олиб борилмоқда.

Иситиш мавсуми туғайи билан кўзда тутилган 3202 километр қувурда иссиқлик тармоқларининг юқори босимга гидравлик синовлари ўтказилди. Ҳозирча бажарилган ва тез кунларда ниҳоясига етадиган тарафда ишларининг барчаси қишнинг қировли кунларида ҳамшаҳарларимизга талаблар даражасида хизматни ташкил этишга қаратилган.

— Узаро ҳисоб-китоблар тизимининг жорий этилиши ёки истеъмолчилар билан бевосита тузилган шартномалар қандай самара бермоқда?

— 2001 йилда жами қарздорлик ҳажмининг 29,3 фоизи аҳоли, 28,8 фоизи ҳўжалик ҳисобидаги ташкилотлар улушига тўғри келган бўлса, 2002 йилда аҳоли улуши 33 фоиз, ҳўжалик ҳисобидаги ташкилотлар улуши 13,9 фоизни ташкил этди. 2003 йилнинг биринчи чорагида эса аҳоли қарздорлигининг ҳиссаси 18,7 фоизга, ҳўжалик ҳисобидаги ташкилотлар улуши 8,9 фоизга камайдди. Бундан шунки кўриш мумкинки, дебиторлик қарздорлиқнинг аҳолига тўғри келадиган улуши ҳам, ҳўжалик ҳисобидаги ташкилотларга тўғри келадиган улуши ҳам камайиб бормоқда. Бу, албатта, ижобий йўналиш бўлиб, ҳодимларимизнинг дебиторлик қарзларини ўз вақтида кассага кириш қилиш ва таъминотчилар билан вақтида ҳисоб-китоб қилиш борасидаги ҳаракатларнинг самарали натижаларидандир.

Тўловларни бажармайдиган шахслардан қарзларни ундирishi бўйича бирлашмамизнинг амалдаги ишлари хусусида тўхталсак, жорий йилнинг биринчи чорагида ҳўжалик судларига 1638,8 миллион сўм миқдордаги 494 та даъво ҳужжатлари тайёрланиб, улардан 41 таси бўйича 34,6 миллион сўм бирлашма фойдасига суд қарорлари чиқарилди.

2003 йилнинг ўтган саккиз ойида аҳоли қарздорлиги 6660 миллион сўмни ташкил этди. Қарздорлиқни камайтириш бўйича республикамизда амал қилиб турган қонунлар мувофиқ ишлар судларга оширилмоқда. Бугунги кунга келиб 4441 миллион сўм миқдордаги 123551 та иш тайёрланиб, суд қарорлари бўйича 38,6 миллион сўм миқдордаги 1270 та ишга доир қарзлар ундирилди.

— Таҳририятимизга кўнгироқ ва мактублар орқали муносабат қилган ҳамшаҳарларимиз нима сабабдан иссиқ сув ва иссиқлик қувватининг тўлов нархи тез-тез ошиб бораётгани билан қизиқшмоқда. Лекин хизмат кўрсатиш шунга яраша бўлганми?

— Узбекистон Республикасининг «Табиий монополиялар тўғрисида» ги Қонунига мувофиқ иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва ташини ҳосилда табиий монополия субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш белгиланган. Қонуннинг 7-бандига кўра табиий монополия субъектлари фаолиятига нарх белгилаш ваколатли идоралар томонидан амалга оширилади. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги «Узбекистон Республикасининг табиий монополиялар ҳақида» ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 364-қарорига кўра Республика Молия вазирлиги табиий монополия субъектлари фаолиятига нарх белгилаш бўйича ваколатли идора этиб белгиланган. Бирлашмамиз фаолиятини иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариши, ташини (қайта сотишни ҳам киритган ҳолда) га баҳо (тариф) тасдиқлаш борасида нарх белгилаш республика Молия вазирлигининг қарорига биноан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Молия бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Иссиқлик энергиясини тарифлари республика Адлия вазирлигида 2001 йил 4 августда 1059-рақам билан рўйхатдан ўтган «Коммунал хизматлар нарх (тариф)лари» ни шакллантиришда ҳаражатлар таркибини аниқлаш ва рента-

белликнинг энг юқори даражасини амалга киритишга доир Низом» га биноан ҳисобланади.

Иссиқлик энергиясини нархларининг ошиши энергия ташувчи муҳит баҳосининг сурункали равишда ошиши билан изоҳланади. 2002 йилда аҳоли учун нархлар 4 марта, 2003 йилда эса 2 марта кўриб чиқилди. Нархларнинг ошиши марказлашган иситиш ва иссиқ сув таъминоти бўйича аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг босқимча-босқич ўзини ўзи қоплашга ўтказилиши билан ҳам боғлиқ.

— Ўтган йилги нуқсон ва камчиликларни ўрганиш, шу асосда уларни бартараф этиш борасида нима-ларга эътибор қаратилади?

— Албатта, ҳар йили иситиш мавсумига тайёргарлик кўриш илгариги йиллар тажрибасига асосан амалга оширилади. Афсуски, бир неча йиллар давомида қузатилаётган энг катта нуқулалликни, ташқи ҳаво ҳарорати кескин пасайиб кетган вақтларда иссиқлик манбаларини газ билан таъминлашдаги чеклашлар келтириб чиқаради, бу эса ўз навбатида истеъмолчиларга иссиқлик етказиб бериш-

уй-жой мулкдорлари ширкати зиммасига юкланади.

Ана шу масалаларда ширкатлар билан доимо низолар юзага келади. Негаки, улар бирлашмадан элеватор бўғинининг барча носоз асбоб-анжомлари, ускуна ва қувурларни ўз ҳисобидан алмаштиришни талаб қилади. Ширкат томонидан шаҳар ҳокимининг қарори нотўғри талқин қилиниши аҳоли ўртасида ана шундай тушунмовчиликка олиб келмоқда.

— Уйларни иситиш борасидаги янгиликлар ва улардан самарали фойдаланиш усуллари бўйича бирлашмада қандай ишларни амалга ошириш режаланган?

— Шаҳарнинг марказлашган иситиш тизими ўтган асрнинг 50-70 йилларида шаклланган бўлиб, 30-40 йиллардаги техник гоълар асосида бажарилган ва бу унинг ишида жиддий камчиликларга олиб келмоқда. Тошкент шаҳрида очик сув олиш манбаи амалга оширилган бўлиб, иссиқ сув таъминотида иссиқлик манбаларида тайёрланган тармоқ суви ўзатилади.

Шаҳардаги биноларни иситиш тизими иссиқлик тармоқларига мустақил схема бўйича уланган, яъни биноларда ўша ташқи тармоқдаги тармоқ сувининг ўзи айланма ҳаракат қилади, очик сув манбаларига хос бўлган темир чўқмалари иситиш тизимлари қувурларининг ички юзасида тўлалигича ўзини намоеён қилади ва гидравлик қаршилиқни оширади. Тармоқ суви сарфини меъёрга келтириш билан иссиқлик ташувчи муҳитни қайта қўйиш (ҳай-даш) учун электр энергиясининг тегишли тежалиши (бу электр энергияни ишлаб чиқаришга сарфланган ёқилғи ҳам) 15-20 фоизга қисқаради.

Бир неча йиллар давомида бирлашма шаҳарнинг марказлашган иссиқлик таъминоти тизими ҳолатини таҳлил қилиш ва тежамли ишлашни таъминлашга қаратилган тақдирлар ишлаб чиқишни бажараётган чет эл фирмалари билан ҳамкорлик қилиб келади.

Ҳозирги кунда ишлаб чиқилаётган «Тошкент шаҳрининг 2015 йилгача бўлган иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш схемаси» га кўра Европача технологиядан фойдаланган ҳолда биноларнинг иситиш тизимини мустақил схема бўйича гидравлик жиҳатдан мустақил айланма ҳаракат контурли иситиш тизими орқали сув ўтказувчи иситишдан, шунингдек ИСТнинг ёпиқ сув

олиш таъминотига эга ҳар бир бинодаги нимстанция даражасида иссиқлик ҳисоблагичларни жорий қилган ва ҳар бир бинога берилаятган иссиқлик миқдорини ўлчанган ҳолда ҳамда ҳар бир аниқ хондондаги иссиқлик ва сув истеъмолини ўлчовчи ҳисоблагичларни жорий қилган технологиядан фойдаланган тизимларга босқимча-босқич ўтатилади.

Юқорида айтиб ўтилганларнинг барчасидан хулоса қилиб шунки айтиш мумкинки, Тошкент шаҳрининг ҳақиқий шароитларида ўтказилган тажрибалар натижасига асосланган иссиқлик таъминоти тизимлари, уларнинг айрим қисмларини қайта қуриш бўйича тақдирлар бирлашма учун биринчи даражадаги аҳамиятга эгадир.

Бундан ташқари ТАСИС дастурига кўра Тошкент шаҳар ҳокимлигининг қўллаб-қувватлаши билан 3 та лойиҳа бажарилган бўлиб, биринчиси, Чехов кўчаси, 30-уйдаги энергия тежовчи мажмуининг кўргазмали лойиҳаси; иккинчиси, Тошкент шаҳар коммунал иссиқлик таъминоти объектиларида иссиқлик механика тизимини жорий этиш бўйича пилотли лойиҳа «Қўйлиқ-2» мавзесида бажарилган.

Бундан ташқари, ИСТ бўйича алоҳида ҳисоблагичлар ўрнатилганки, улар иссиқ сув истеъмолига таъсир қилиб унинг ҳақиқий сарфига ҳақ тўлаш имконини беради. Бу вариант иссиқлик таъминотининг Европача тизимида қўлланилаётган иситиш ва иссиқ сув таъминоти схемаларига энг яқиндир.

Учинчиси, «Сувчи» қозонхонасида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича пилотли кўргазма-ла лойиҳа—сувни олдидан иситиш учун санаят геотермилмаси.

Бундан ташқари 2000 йилда сув иситиш қозонларининг учта янги тури (КВ-0,25 Гн, КВ-0,63 Гн ва КВ-1,0 Гн) бўйича техник ҳужжатлар (ҳисоб-китоблар, ишчи чизмалари)нинг тўплами ишлаб чиқилди, улар иссиқлик манбаларида амал қилувчи ишлатиш шароитларига энг яқин мослашган ва иссиқлик унуми бўйича давлат стандарти талабларига жавоб берувчи техник иқтисодий кўрсаткичга эга. Ушбу қозонлар тежамлиги бўйича Европача қозонларга яқин, аммо анчагина арзондир.

Қозонлар таъмирлашга юқори даражада кулайдир. Бирлашма 5 йил давомида эскирган 285 та қозонни ана шу замонавий қозонларга ўз маблағлари ҳисобига алмаштиришни режалаштирмоқда.

Сўзимнинг охирида шунки таъкидлашни истардимки, хондонлар иссиқ бўлиши учун бир қанча имкониятларни ишга солиб, мавсум тарафидан пухта амалга оширяймиз. Лекин ҳамшаҳарларимиз ҳам бу борарда ўз турар жойларида, хондонларидан қиш қозирлигини кўрсалар, албатта муаммолар камроқ бўлади.

Шарифа ИЛЁСОВА сўхбатлашди.

## ҚИШ ТАЙЁРГАРЛИҚНИ ЁҚИРАДИ

# ХОНАДОНЛАР ИССИҚЛИК БИЛАН ЕТАРЛИ ТАЪМИНЛАНАДИМИ?



ни чеклашга олиб келади.

Иссиқлик ташувчи муҳитни паст ҳароратларда етказиб бериш иссиқлик истеъмоли тизимларининг аҳоли томонидан бузилишини келтириб чиқарадики, улар иситиш тизимидан сув оқишини ташкил қиладилар, иссиқлик бўғини ишга аралашдилар, натижада иссиқлик манбаи ва тармоқлари ҳамда уй ичи иситиш тизими ишида носозликлар пайдо бўлади.

Иситиш мавсумига тайёргарлик кўришда туман бошқармалари, диспетчерлик таъминоти ҳамда транспорт ва механиклар бошқармалари томонидан ҳал қилинадиган энг асосий вазифалардан бири иссиқлик тармоқлари синовини ўтказишдир. Ана шунда мавсумда панд берадиган нозик жойларни аниқлаш ва совуқ кунлар тушунча ўтказиладиган таъмирлаш кампанияси даврида уларни бартараф қилиш имкони юзага келади.

Иссиқлик таъминотида бўладиган узилтишлар истеъмолчилар, биринчи навбатда кўп қаватли уйларда яшовчи аҳолининг норозиликларига сабаб бўлади, албатта. Ана шунки инобатга олиб бирлашма томонидан авария-тиклаш бўлимлари ишига ниҳоятда жиддий эътибор қаратилади. Туман бошқармаларининг носозликларини бартараф этиш бўйича бригадалари малакали ходимлар, техника ва механизмлар, сарфлаш ашёлари билан таъминланган.

— Бирлашманинг мақсад ва вазифаларига нима-лар киради, улар уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан қандай ишлашади? Негаки, кўпгина уйлар исмаслиги, иссиқ сув бўлмаслиги ҳолатлари сансалорликка бориб тағаллади...

— Бирлашмамиз магистрал ва тақсимловчи иссиқлик тармоқларидан, бошқа иссиқлик таъминоти объектиларидан фойдаланиш, уларни қайта қуриш ва таъмирлаш ишларини бажаради. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2001 йил 25 декабрдаги қарорига мувофиқ турар жой уйларининг пойдеворидан то элеватор бўғинларигача (элеватор бўғинларининг ўзига ҳам) бирлашмамиз хизмат кўрсатиши белгиланган.

Шу муносабат билан уй-жой мулкдорлари ширкатининг мулки бўлган иссиқлик бўғинлари ва уларга туташган жойларга таъмирлаш-ишлатиш хизматлари кўрсатиш ҳаражатлари жорий таъмирлаш ва улардан фойдаланишга доир хизмат кўрсатиш ҳажмида иссиқлик энергиясини нархига киритилган. Бунда иссиқлик бўғини ва унга туташган жойларга янги ускуналар, яъни бөркиттич, вентил ва бошқа ашёлар ўрнатиш билан боғлиқ ҳаражатлар (меҳнатга кетган ҳаражатлар бундан мустасно) ускуналар эгаси —

**Ўзбекистон истиқлолга эришиб, мустақил иқтисодий ислохотлар йўлини танлаганидан сўнг, ҳукумат олдида мамлакат иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, моҳиятан янги солиқ тизимини вужудга келтириш вазифаси турар эди. Зеро, иқтисодиётни бошқариш борасида совет маъмурий-буйруқбозлик тизимидан мерос қолган бюджетни шакллантириш механизми ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар талабларига мос келмас, мамлакатдаги маюнафатларига жавоб бермас эди. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов 1992 йилдаёқ юртимизда эндигина шаклланаётган солиқ тизими катта эътиборни ва тақомиллаштиришни талаб этади, деган эди.**

лиши даромадларнинг яширин ҳолдан чиқиб, қонунийлаштирилиши ва солиққа оид тушумларнинг муайян даражада кўпайишига олиб келади. Жумладан, 2002 йилда солиқ ставкаси 24 фоиз бўлгани ҳолда юридик шахслардан 174 миллиард сўм даромад солиғи тўпланди, бу эса бюджет умумий даромадининг 9,3 фоизини ташкил этди. Жорий йилда эса даромад солиғи ставкаси 20 фоиз деб белгилангани ҳолда бюджетга 198 миллиард сўм маблағ келиб тушиши ёки умумий даромаднинг 10,5 фоизини ташкил этиши кутилмоқда.

Тушумларнинг ҳажми бўйича иккинчи ўринда турадиган жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқни қисқартириш юзасидан амалга оширилаётган чоралар аҳоли даромадларининг реал даражасини оширишига тегишли равишда иқтисодий ривожланишнинг муҳим омил бўлган тўловга лаёқатлилигини кучайтиришга йўналтирилган.

Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиштириш самарали тизимини яратишга оид вазифаларнинг аҳамияти маъмурият тизимининг ижтимоий масалаларга дахлдорлиги, аҳоли турмуш даражасига кўрсатадиган таъсир билан боғлиқдир. Шундан келиб чиққан ҳолда даромад солиғининг қўлланиладиган шкаласи мунтазам равишда тақомиллаштирилувчи бўлади. Хусусан, мамлакатимизда 1998-1999 йилларда ушбу солиқнинг максимал ставкаси 45 фоиз бўлган 5 даражали шкала қўлланилган бўлса, 2000 йилда - максимал ставкаси 40 фоиз бўлган 4 даражали шкала жорий этилди, 2001 йилда эса даромад солиғини ҳисоблаш

ни тўлдиршига оид фискал вазифалар билан бир қаторда саломатлик учун зарарли бўлган маҳсулотлар ва товарлар истеъмолини камайтиришга хизмат қўрсатади.

**Ресурс солиқларининг катта салоҳияти**

Ресурс солиқлари ер, сув ва бошқа табиий бойликлардан самарали фойдаланишни таъминловчи амалий восита бўлгани ҳолда бозор иқтисодиётида табиий ресурслардан фойдаланиш ва келажак авлодлар учун сақлаш борасида асосий роль ўйнайди. Солиқларнинг бошқа турларидан фарқи ўлароқ, ресурс солиқлари ўзига хос хусусиятларга эга: ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра улар рента тўловидир. Бошқача айтганда, бу қайта тикланмайдиган табиий ер ва сув захираларидан фойдаланганлик учун ўзига хос тўлов бўлиб, у ҳужайка юритувчи субъектлар фаолиятининг натижалари билан боғлиқ эмас. Демак, ресурс тўловлари тизими турли шароитларда жойлашган ҳужайка юритувчи субъектлар учун тенг шароитларни таъминлашга, табиий бойликларга нисбатан оқилона муносабатни рағбатлантиришга, уларнинг талон-тароҳ қилинишига йўл қўймасликка қаратилган.

Айнан шу сабабли, келгусида бюджет даромадларини шакллантиришда ресурс солиқлари янада муҳим ўрин тутади белгиланган. Ваҳоланки, ҳозир улар давлат бюджет даромадларининг сезиларли бўлмаган қисmini таш-

ли бундай қорхоналар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва замонавийлаштиришга қўшимча маблағлар йўналтириш имконига эга бўлади.

Шу тарзда ресурс солиқлари соф фискал вазифаларни бажариш билан бирга, табиий бойликлардан фойдаланишнинг самарадорлигини таъминлайди. Ресурс солиқлари қаторига ҳақли равишда мулк солиғини ҳам киритиш мумкин. Чунки у асосий фондлар шаклида ресурсларга "боғланган".

Мулк солиғи орқали асосий фондлардан самарали фойдаланиш рағбатлантирилади. Хусусан, балансдаги барча мулк бўйича солиқ тўлаш зарурати тадбиркорлик иқтисодий жихатдан асосий фондларга нисбатан мослашувчан сийosat юритишга "мажбур" қилади ва зарур ҳолларда ишлаб чиқариш учун зарур бўлмаган биналар, машиналар ва жиҳазлардан воз кечишга ундайди. Бу эса нафақат ишлаб чиқариш воситалари бозорини шакллантиришга кўмаклашди, балки ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархининг арзонлашуви ҳам таъсир қўрсатади.

Бундан ташқари, муайян даражада мулк солиғини ундириш орқали солиққа тортишнинг адолатлилиги таъминланади. Жумладан, ҳужайка юритувчи субъектлар даромадларининг бир қисми муайян сабабга кўра даромад солиғига тортилмай қолса, моддий бойликка айланган, мулк солиғига тортилади.

Маҳаллий солиқ сифатида ҳамда солиққа тортишнинг нисбатан барқарор базасига эга бўлгани туфайли мулк солиғи маҳаллий бюджетларни молиялашнинг барқарор манбалари бўлиши мумкин.

**Мулк солиғи келгусида ҳам маҳаллий бюджетларни тўлдирishнинг муҳим манбаи ва қорхоналар томонидан давлат саноат сийosatининг**

таркибий қисмларидан самарали фойдаланишни таъминловчи амалий восита бўлиб қолаверади.

**Солиқ тизимининг соддалиги ва тушунарлилиги - узок мuddатли самарадорлик гарови**

Солиққа тортиш тизимини тақомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири солиқ тизимини тартибга солиш, солиқ турларини камайтириш, ҳисоб-китоб механизмининг соддалаштириш ва улар бўйича тўлов даврийлигини камайтириш ҳисобланади. Солиқ сони қанчалик кам бўлса, улар шунчалик содда бўлади ва демак, тадбиркорлар ва аҳолига шунча кўп қулайлик яратилади.

Амалдаги солиқларни оптималлаштириш борасидаги дастлабки қадам Солиқ кодексида солиқларнинг давлат ва маҳаллий солиқларга бўлиниши билан боғлиқ. Ушa пайтда қатор самарасиз ва бир-бирини тасқорловчи солиқлар, яъни геология-қидирув ишларига чеғирмалар (ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқни тақдорлайди), олиб чиқиб кетиш солиқи (қўшимча қиймат солиғини тақдорлайди), ўрмон солиғи, турли йиғимлар бекор қилинган эди. 2001 йилдан бошлаб кам самарали солиқ ва йиғимлардан воз кечиш сийosати давом эттирилди: реклама солиғи, транспорт воситаларини қайта сотиш солиғи, сотилмаган маҳсулотлар учун мейёридан юқори қолдиқлар учун тўлов, чиқиндилар учун тўлов, атроф-муҳитга зарарли чиқиндиларнинг чиқарилиши учун тўловлар бекор қилинди.

Натижада, 1998 йилда, Солиқ кодекси кучга киргунча, солиқ ва тўловларнинг 24 та тури амал қилган бўлса, 2003 йилга келиб уларнинг сони 13 тага тушди. Бошқача айтганда, солиқ ислохоти жараёнида сунгги беш йил давомида амал қилаётган солиқ ва тўловларнинг умумий сони деярли 2 баравар қисқарди.

Бу ўринда шун қайд этиш керакки, алоҳида олинган қорхона солиқларининг барча турларини тўламайди. Амалда, умумбелгиланган солиқларни тўловчи ишлаб чиқариш қорхонаси ҳозирги кунда беш турда солиқ тўлайди - бу даромад солиғи, ҚҚС, мулк солиғи, ер солиғи ва экология солиқларидир.

Кичик бизнес, савдо ва қишлоқ ҳўжалиги қорхоналарига нисбатан солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими қўлланилмоқда. Булар микрофирмалар ва кичик қорхоналардан олинмадиган ягона солиқ, ягона ер солиғи, савдо қорхоналарининг яъни даромад солиғидир.

Шун қайд қилиш лозимки, дунёнинг кўпгина мамлакатларида кенг ёйилган солиқ тўловчиларнинг алоҳида тоифалар учун махсус солиққа тортиш усулини қўллаш амалиёти республикамиз шароитига муваффақиятли таъбиқ этилди. Хусусан, кичик қорхоналар учун ягона солиқнинг жорий этилиши қўлланган натижани берди: кичик тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодиётнинг хусусий сектори даромадларини қонунийлаштириш ва аҳоли ўртасида тадбиркорлик фаолигини кучайтиришга эришилди. Буни ягона солиқ бўйича тушумлар ҳам исботлайди: кичик қорхоналар бўйича ягона солиқ амал қилган уч йиллик мuddатда тушумлар ҳажми қарий 3 маротаба ортди.

Кичик қорхоналарнинг интенсив ривожланиши учун қўлай

**СОЛИҚ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА**

нинг уч шкалали тизимига ўтилди. Бунда 2003 йилда аҳоли даромадларини солиққа тортиш шкаласининг кенгайтирилиши ва шу аснода оралиқ ставканинг (2002 йилдаги 25 фоиздан 2003 йилда 23 фоизгача), максимал ставканинг қисқариши (36 фоиздан 31 фоизгача) ЯИМга нисбатан ушбу солиқ бўйича тушумларнинг кўпайиши келтириб чиқармади (2000-2003 йилларда ушбу солиқнинг ЯИМга нисбатан салмоғи ўрта ҳисобда 3,2 фоизни ташкил этмоқда).

Хозирги пайтда Президентининг Ислом Каримов томонидан қўйилган жисмоний шахслар даромадларининг солиққа тортилишини тақомиллаштириш бўйича устувор йўналиш сифатида белгиланган солиқ ставкаларини камайтириш ва аҳоли даромадларини солиққа тортишнинг ушбу йўналишида икки босқичли тизимига аста-секин ўтиш концепциясини давом эттириш вазифаси турибди.

Умуман, бевосита солиқлар бўйича солиқ юкини изчил камайтириш сийosатининг самарадорлигини ЯИМга нисбатан улар тушумининг барқарор кўпайиши тенденцияси ҳам исботлайди. Агар 1999 йилда бевосита солиқлар бўйича бюджет даромадлари ЯИМга нисбатан 8,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2003 йилда уларнинг 6,8 фоизгача кўпайиши кутилмоқда.

**Билвосита солиққа тортиш самарадорлиги - бюджет даромадларини шакллантиришнинг барқарорлиги гарови**

Солиқ тизимини ривожлантириш ва тақомиллаштиришда устувор аҳамият билвосита солиққа тортишга қаратилган. Бунинг сабаби шундаки, билвосита солиқлар товарлар, ишлар ва хизматларга нисбатан қўшимча туستا эга бўлгани ҳолда, пировард натижада ишлаб чиқарувчининг молиявий ҳолатига тўғридан тўғри таъсир қўсатмайди ҳамда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга тўсқинлик қилмайди.

Бундан ташқари, бевосита солиқлар бўйича солиқ юкларини камайтган бир шароитда бюджетнинг даромад қисми барқарорлигини таъминлашда билвосита солиққа тортишнинг аҳамияти янада ортади. Рақамларда ифодаланганда бу шунинг аниқлиги, яъни йиллар давомида бюджет бюджети таркибида билвосита солиқлар тушумининг орттиши тенденцияси давом этди. Хусусан, 1999 йилда бу рақам 53,9 фоизга тенг бўлган ҳолда 2002 йилда ушбу нисбат 54,6 фоизни ташкил этди (2003 йилда 59,2 фоизга етиши кутилмоқда). ЯИМга нисбатан барча солиқлар камайтган бир пайтда билвосита солиқлар улуши 13-14 фоизни ташкил этмоқда.

Билвосита солиқлар таркибида акциз солиқлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бюджет даромадларининг деярли учдан бир қисминини ташкил этади. Шун қайд этиш лозимки, асосан қундалиқ эҳтиёж моллари тоифасига кирмайдиган маҳсулотларга акциз солиғига тортилади.

Энг аввало, бу алкагол, тамаки ва нефть маҳсулотлари, заргарлик ва бошқа моллардир. Акцизлар тизими бюджет-

мадларини ва истеъмол талабларини оширишга қаратилган. Шу билан бирга, солиқлар ва тўловларни бирхиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса солиққа тортиш механизмининг ошқоралигига, солиқларни ҳисоблаш ва тўлашга оид қорхоналар фаолиятини соддалаштиришга, шунингдек, солиқ мажбуриятларининг бажарилишини самарали назорат қилишга ёрдам беради. Айни пайтда бу ҳол республикамизда қўлланиладиган солиқ тизимини халқаро мейёрлар ва андозаларга мувофиқлаштириш зарурати билан изоҳланади.

Агар дунё мамлакатларида қўлланиладиган солиқ юкларини изоҳловчи статистика маълумотларига мурожаат этсақ, шун қириш мумкинки, ЯИМга нисбатан солиқ тўловлари даражаси турли давлатларда турличадир. Бу эса иқтисодий тартибга солиш даражасидаги фарқлар, юритиладиган ижтимоий-иқтисодий сийosat йўналиши, муайян мамлакатларнинг геополитик жойлашуви ва бошқалар билан боғлиқ омиллар билан боғлиқ.

Учинчидан - солиқ сийosатини шакллантириш пайтидаги бюджетларга қатъий риоя қилиш, яъни даромадларнинг қайси қисми ишлаб чиқарувчиларда қолиши кераклиги, қайси қисми маҳаллий ва республика бюджетига келиб тушиши лозимлигининг оптимал нисбатларини таъминлаш керак.

Тўртинчидан - солиқларни бирхиллаштириш, сонини қисқартириш ҳамда улар бўйича ҳисоб-китоб қилиш ва тўлаш механизмлари соддалаштириш бўйича доимий иш олиб бориш.

Бешинчидан - йиллик солиқ сийosатини шакллантиришда давлат харажатларининг мумкин қадар қисқартирилиши ва оптималлаштирилишини энг муҳим устуворлик сифатида инобатга олиш.

Бозор муносабатлари, ҳўжалик юритишнинг янги шакллари ривожланиши билан солиқ қонунийлиги зикр этилган тамойиллардан келиб чиқадиган ҳамда ислохотларнинг тегишли босқичи шароитига мос келадиган жиддий ўзгаришларга ўради. Шу тарзда янгиланиш ва ислохотлар туфайли республикада бюджетнинг даромад қисмининг барқарор шаклланишини таъминловчи ва иқтисодий ўсишни рағбатлантирувчи режалар, халқаро тамойиллар ва мейёрларга мос келадиган солиқ тизими яратилди.

Айтиш жоизки, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан солиқ тўловчиларда масъулият ҳиссини, солиқларнинг мақсади йўналтирилганлигини аниқлаш ҳиссини шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифа деб белгиланган. Солиқ тўловчилар нима учун солиқ тўлаётганликлари, уларнинг миқдори нима сабабдан ошгани ёки камайтирилганлигини яхши тушунишлари керак. Энг муҳими - солиқлар таълим, соғлиқни сақлаш тизимларини, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш орқали адал-оқибат солиқ тўловчиларнинг ўзига қайтиши ва уларнинг маюнафатларига хизмат қилишини аниқлашлари лозим.

**Солиқлар - иқтисодиётни тартибга солишнинг муҳим омил**

Солиқ механизми иқтисодиётни бошқаришнинг бозор воситалари орасида муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов бозор иқтисодиётининг ўзини ўзи тартибга солиш механизмининг истиқболли эканлигини ва бунда давлат иштирокида фақат иқтисодий воситалар ва рағбатлар сақланиб қолишини ҳамда уларнинг таркибий қисми солиқлар эканлигини бир неча бор таъкидлаган.

Солиқлар иқтисодий сийosatнинг энг амалий воситасидир.

Қандай солиқ сийosати юритилаётгани ва солиққа тортиш соҳасидаги чора-тадбирлар қанчалик самарали эканлиги кўп жиҳатдан иқтисодий ислохотларнинг характери ва динамикасини белгилайди. Оқилона ташкил этилган, яъни мувозанатланган солиқ тизими, бозор иқтисодиёти тараққиёт этган мамлакатлар таърибасидан маълумки, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг ҳамда шу асосда барқарор иқтисодий ривожланишга эришишнинг асосий воситаларидан биридир.

Солиқ муносабатлари қанчалик ривожланганлигидан қатъи назар солиқ тизими ўзининг асосий вазифаси - фискал, қайта тақсимлаш ва рағбатлантириш вазифасининг бажарилишини таъминлаш лозим. Энг муҳими, маъжуд солиққа тортиш тизимини стратегик мақсадларга ҳам, айни пайтда, иқтисодий ислохотларнинг қисқа, ўрта ва узок мuddатли мақсадларига ҳам мос келиши ва шунга хизмат қилиши керак.

**Умумий солиқ юкини оптималлаштириш ва камайтириш — давр талаби**

Ўзбекистонда давлатнинг иқтисодиётга аралашувини камайтиришга доир изчил сийosat олиб бориш натижасида ҳар йили солиқ юкини камайтириш чоралари амалга оширилмоқда. Энг аввало, улар ишлаб чиқаришни, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга, аҳолининг реал даро-

шароит яратиш, мамлакат иқтисодиётида хусусий сектор улушининг ўсиши, аҳолининг тўлиқ бандлигини таъминлаш борасидаги муҳим қадамлардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августдаги Фармони бўлди. Маъзур Фармонга кўра кичик қорхона тоифасига кирувчи муассасаларнинг ишлаб чиқариш ҳодимларининг йиллик ўртача сони саноатда 40 нафардан 100 нафаргача, қурилиш ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда 20 нафардан 50 нафаргача, бошқа соҳаларда 10 нафардан 25 нафаргача кўпайтирилди.

Бундан янглик ўрта қорхоналарнинг кўпчилигига солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимига ўтиш имконини беради. Бунда солиққа тортиш даражаси умумбелгиланган солиққа тортиш тизимига қараганда икки баравар кам миқдорни ташкил этади.

Бундан ташқари, соддалаштирилган солиқ тизимини ишлаб чиқишда нафақат уларнинг сонини қисартириш, балки солиқ тўлаш мuddатини ва улар бўйича ҳисоб-китобларни оптималлаштириш ҳам кўзда тутилган. Жумладан, микрофирмалар ва кичик қорхоналар энди чорак давомда бир марта ягона солиқ тўласа, ягона ер солиғи эса (қишлоқ ҳўжалигининг ўзига хос хусусиятларининг эътиборга олган ҳолда) бир йилдан уч марта тўланади. Умумбелгиланган солиқлар, хусусан даромад (фойда) солиғи ва ҚҚС (илгари ойига 2-3 маротаба тўланар эди) бўйича ойига бир мартаба тўланиши жорий этилди. Солиқ тўлаш мuddатининг камайтирилиши солиқ тўловчилар айланма маблағларини ўзларида сақлаб қолишга ва уларни солиқ тўлашга кам жалб этилишига олиб келади. Бу эса иқтисодий нуқтаназардан, солиқ миқдоридан кўра муҳимроқ омилдир.

Амалда барча солиқлар бўйича ҳисоблаш механизмлари халқаро андозалар ва мейёрларга мослаштирилган. Хусусан, 1998 йилдан бошлаб ҚҚС нинг ягона ставкаси жорий этилиши солиққа тортиладиган базани белгилаш ҳисобини ва ҳисоб-китобини соддалаштирди. Сўёт-фактуралар тизимининг жорий этилиши эса ушбу солиқнинг бошқарилишини автоматлаштирди. Мулк солиғи бўйича бирламчи қийматни солиққа тортишдан қолдиқ қийматга ўтилди.

**Давлат харажатларини оптималлаштириш - солиқ юкини камайтиришнинг муҳим захираси**

Солиқ соҳасидаги ислохотларни амалга оширишнинг хорижий мамлакатлар таърибаси шунини кўрсатадики, биринчи босқичда солиқ юкини камайтиришга эътибор қаратиш бюджет даромадларини камайтиришга олиб келади. Солиқ тушумларининг қисман тикланиши иқтисодий ўсиш суръатларининг жадаллашуви ҳамда қорхоналар ва аҳоли томонидан даромадларнинг яширин ҳолдан чиқарилиб, қонунийлаштирилиши натижасида юз беради.

Солиқ сийosати чораларини ишлаб чиқишда энг муҳим вазифалардан бири давлат харажатларининг ўз вақтида ва мўлжалланган ҳажмида молияланиши учун солиқ тушумларининг етарлилиги ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида, солиқ юкини камайтириш борасидаги сийosatни бюджетнинг харажатлар қисмининг оптималлаштириш чоралари билан қўшиб олиб борилишини тақозо этади.

Шундан келиб чиққан ҳолда республикамиз раҳбариятининг давлат харажатлари борасидаги сийosatи харажатлар суръатини бюджет тақчиллигини келтириб чиқармайдиган ҳолда ўстириш зарурлигига таянади. Бундай сийosat натижасида ЯИМга нисбатан бюджет харажатларининг 1999 йилдаги ЯИМ даражасига нисбатан 30,7 фоиздан 2003 йилда ЯИМнинг 24,3 фоизгача қисқартиришга эришилди. Сунгги йиллар давомида республикамиз ҳамда бюджет тақчиллигини ЯИМга нисбатан 0,7-1,1 фоиз даражасида сақланиши таъминланмоқда.

Бунда, ҳар йили бюджет харажатлари самарадорлигини оширган ҳолда, уларни қисқартириш чоралари қўрилмоқда. Хусусан, бошқарув ҳодимлари учун сарфланадиган бюджет маблағларини қисқартиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Агар 1999 йилда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари учун харажатлар ЯИМга нисбатан 0,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2003 йилга келиб ЯИМга нисбатан 0,4 фоизни ташкил этиши мўлжалланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов Вазиранг Маҳамасининг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари ва истиқболдаги ислохотларнинг устуворликларини муҳкама этишга бағишланган йиғилишдаги нутқда таъкидланганидек, бошқарув аппаратида сарфланадиган бюджет ва ҳўжалик харажатларининг қисқариши бюджет харажатларини қисқартиришнинг резерви, демак, қорхоналар ва аҳоли зиммасидаги солиқ юкини камайтириш резервидир, деган эди.

Шун алоҳида таъкидлаш лозимки, солиқ сийosatини янада тақомиллаштириш асосида чуқур ўйлаб, оқилона қабул қилинган қарорлар туради. Улар, бир томондан, солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини жиддий камайтиришга, иккинчи томондан, барча даражаларда бюджет даромадларини ва бюджетдан ташқари фондларнинг барқарор асосини сақланиши таъминлашга қаратилган.

Бунда тадбиркорлик субъектлари, жисмоний шахсини ҳар бир солиқ тўловчи нима учун солиқ тўлаётганини яққол тасаввур этишга эришиб назарда тутилган. Энг муҳими - солиқларнинг адал-оқибат мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига йўналтирилиши, яъни солиқ тўловчининг ўзига ижтимоий тўловлар, стипендиялар, таълим ва тиббий хизматлар, тараққиёт этган инфратузилмалар ва бошқа нёъматлар шаклида фойда келтиришини чуқур англаб олиши жуда муҳимдир.

**Туробжон ЖўРАЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Молия вазирининг биринчи ўзаси.**

Шарқ дурдоналари

**Оз-оз ўрганиб  
Домо бўлур...**

**СИХАТ-САЛОМАТЛИК  
ҲАКИДА**

● Дунёда инсон руҳининг соғломлиги учун одам ҳаракати ва тафаккур машғулотида кўра кучлироқ ҳакам топилмайди. Зеро, бу икки нарса инсоннинг саломат бўлиши учун кучли асос бўлиб, кимки бу икки нарсага амал қилишда хатога йўл қўйса, кўпгина кўнгилсизликларга дучор бўлади.

● Инсон ўзининг азиз жонини муҳофаза қилиш учун, демак ейишичида, жимсоний меҳнатда, ўйку ва бедорликда ҳамда барча ишларда меъёрга диққат қилиши ва буни асло ёддан чиқармаслиги зарур.

Саломатлиқни сақлаш ҳақида ёзилган беҳисоб китоб ва узундан узок масалаларнинг асосий қаймоғини "меъёрни сақлаш" деган бир жуфт сўз ташкил этади. Бунга амал қилиш аса унчалик қийин эмас. Табибларнинг ўйлаб топган беҳисоб дорилари, сон-саноксиз китоблари, соғлиқни сақлаш қоидалари, касалликлар ҳақида турли хил фикрлари, буларнинг пайдо бўлиши сабабининг ҳаммаси битта нарсда — яъни меъёрни бузиш ва ортиқчалikka йўл қўйиш оқибатидир. Кимки меъёрини билса, табобатга иши тушмайди.

Ҳаким деди: "Эшитинг ва ёд олингки, тўрт нарсани ўтир ва равшан қилиди:

Байт:

**Билсанми, агар оқил кишилар,  
Ҳожатим тушмасин деса табибга.  
Бахт юзи кўрсатса боққай доимо,  
Сабзи, оқий сувга, дўсту табибга.**

● Табибдан сир яширган киши ўзига ҳиёнат қилган бўлади.

● Корин емоқдан завқ олади, ақл аса илмдан.

● Шундай нафсига эрк берган кишилар ҳам бўладики, улар ҳаётни фақат еб-ичишдан иборат деб ўйлайдилар ва туну кун айшу ишратга гарқ бўлиб, керагиндан ортиқча истеъмол қиладилар. Натияжада турли иллатларга йўлиқиб, нотавонлик дардини тортдилар. Бундай кишиларга қуйидаги ҳикоят ибратдир:

Бир гуруҳ арлар айланлиб юриб, бир кўза қиёмга дуч келиб қолдилар. Фурсатни ганимат билиб имкони борича қиёмдан еб қолмиша ҳаракат қилдилар. Оқибати шу бўлдики, қорни лик тўлиб, оғирлашиб қолганларидан кейин кўздан қайта чиқолмай, ўлимга юз туддилар ва ортиқча ейишнинг натижаси фалокат эканини кеч англадилар.

● Инсоннинг хушмуомала бўлиши унинг саломатлигини оширади.

● Иссиқ миҳозли, қизқичқон, асаби сусти кишилар доимо ҳақми осон овқатларни ейишлари, совуққонликка рағбат этишлари, қонни қиздирадиган ўтир нарсалардан парҳез қилишлари, кучли жимсоний меҳнат, фикрлаш меъёридан, кўп ўқишдан эҳтиёт бўлишлари зарур.

● Тўрт нарсани танани семиртиради ва саломатлиқни оширади: юмшоқ либос киймок, дилни ғамдан холи тутмок, муаттар хидларни хидламок ва юмшоқ жойда ухламок.

Байт:

**Бадбўй ҳиду ғамни эшитмок,  
Бошу танда оғрик кўзгатар.  
Имкон бўлса узок юр бундан,  
Касал бўлсанг ким ҳам тузатар.**

● Тўрт нарсани кўзни хира қилиб, нуруни кетказди: шўр овқат емок, бошдан қайноқ сув куймок, кўёшга қарамай ва душман юзини кўрмок.

● Ғам-қайғу инсон саломатлигига пугур етказувчи нарсалардан биридир. Ғам ва қайғуни йўқотадиган бирдан-бир чора одамга тасалли берадиган нарсалар билан шуғулланишидир.

● Ҳаёт тақозаси билан инсон гоҳ шодлана, гоҳ хафа бўлиб туради. Шунинг учун ҳар бир киши шодлик айёмиде ортиқча фахрланмаслиги, ғам келганда зиёда қўямаслиги керак.

**КЛИНИКАГА ЙЎЛ**

Иккинчи Тошкент тиббиёт институтида талабаларнинг шифокор сифатида мустақил ҳаётга қадам қўйишларига бағишланган "Клиникага йўл" тадбири ўтказилди.

— Мазкур тадбир ўн олти йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинади, — деди ички касалликлар кафедраси профессори Эркин Қосимов. — Унда фақат тўртинчи босқич талабалари иштирок этади. Тадбир талаба олган назарий билимларини клиникада амалиёт билан мустаҳкамлашга қаратилгандир. Эндиликда бўлгуси шифокорлар шарафли ва машаққатли касб сирларини амалиётда татбиқ эта бошлайди.

Э. Қосимовнинг эътирофи этишича, талабалар илк бор амалиёт даврида бемор билан юзлашишдан олдин қасамёб қилишади. Бу бежиз эмас. Чунки ўқиш даврида уларнинг зиммасига инсон саломатлигини муҳофаза қилишдек масъулият юкланади.

Тошкент шаҳар ҳокимияти

“Камолот” ёшлар иқтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими

Кўрик-танлов шартлари:

Кўрик-танловда Тошкентдаги корхоналар, уқув муассасалари ва пойтахт фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Сизнинг фантазиянгиз ақоиб гулзорлар, боғлар, майсазорлар, турли манзарали гулдворлар ва бошқа узига хос ландшафт ечимлари яратишга қодирми?

Кўрик-танлов иштирокчилари яратилган гулзорлар ва манзарали усимликларнинг фотосуратлари ва видеотасмаларни ташкилотчиларга 1 октябрдан тақдим этишлари зарур.

Зоборишган фотосуратлар ва видеотасмалар кўриш ва баҳолашга ҳақлиқ бўлади. Ҳақини қўйиш ва қўйишлар аниқланади.

Маълумотлар ТТВ телеканали, "Пойтахт-информ" радиостанцияси, "Тошкент оқшоми", "Вечерний Ташкент" газеталарида.

www.tashkentkamolot.uz  
Ароўнаҳр кўчаси, 14  
11-05, 133-38-03



**ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯСИ**

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 415-сонли қарори ижроси юзасидан Сергели туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими томонидан туман ҳудудида доимий равишда қонунга ҳилоф ҳолда чет эл валютасини олиш, сотиш ва ўтказиш билан шуғулланаётган шахсларни аниқлаш ва уларга нисбатан чоралар кўриш мақсадида тадбирлар ўтказилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида бўлим ходимлари томонидан 15 дан ортиқ қонунбузарликлар аниқланиб, қонун бузувчилардан жами 17837 АҚШ долларини ва 1 миллион 104 минг сўм миқдорда миллий валюта олиб қўйилиб, 12 ҳолатда 23 нафар шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан чора кўрилди. Қонунбузарлардан олиб қўйилган валюта қимматликларини суд ҳужум ва қарорларига асосан давлат фойдасига мусодара этилди.

Ўтказилган ҳуқуқ-тартибот ишларига қарамасдан ноқонуний равишда валюта қимматликларини олиш ёки ўтказиш билан шуғулланаётган шахслар айрим фуқароларнинг қонунчиликни яхши билмасликларидан фойдаланиб, алдов йўли билан 10-15 минг сўм рағбатлантириш эвазига, уларнинг номига валюта алмаштириш шохобчаларидан валюта қимматликларини олишиб, «қора бозор»да устига нарх қўйиб сотишиб фойда кўрганлари ҳолда ўзларининг жиноий ҳаракатларига оддий, содда фуқароларни шерик қилмоқдалар ва бу-

нинг натижасида ушбу фуқаролар ўзлари билмаган ҳолда юқоридаги жиноятни содир этмоқдалар.

Яқинда бўлим ходимлари томонидан «Ўзсаноткурилиш банк»нинг Сергели туман бўлимига қарашли Спутник 8-мавзесида жойлашган валюта алмаштириш шохобчасида ўтказилган тадбирда, фуқаролар К.Раҳимов, Ф.Собиров, Г.Нишонова-валар ўзаро тил бириктиришиб, қонунга ҳилоф равишда фуқаро К.Раҳимовнинг номига 2000 АҚШ долларини фуқаролар Г.Нишонова ва Ф.Собировлар учун валюта алмаштириш шохобчасидан олиб чиқиб беришга нисбатан туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимларига рўпара келишди. Олиб борилган суриштирув домида фуқаролар Г.Нишонова ва Ф.Собировларнинг берган тушунтиришларида улар тахминан 3 ойдан буён ўзгалар номига чет эл валютасини сотиб олишиб, сўнгра бу валюта қимматликларини валюта «қора бозор»да устига нарх қўйиб сотишлари ва бунинг натижасида ҳар бир олиб сотиш-

дан 100 минг сўм атрофида даромад олаётганликларини, фуқаро К.Раҳимов номига олинган 2000 АҚШ долларига ҳам улар шерикликда пул маблағлари беришганликларини баён қилдилар, ҳолислар иштирокида улардан 2000 АҚШ долларини далилий ашё сифатида олиниб, фуқаролар К.Раҳимов, Ф.Собиров ва Г.Нишонова-ларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзгатирилган. Мазкур жиноят иши туман жиноят ишлари бўйича судида кўрилиб, қонунбузарларга нисбатан тегишли жазо қўлланиб, далилий ашё сифатида олинган 2000 АҚШ долларини давлат фойдасига мусодара қилинди.

Юқоридаги каби қонунбузишларга йўл қўймаслик ва аксинча унинг олдини олиш мақсадида туман бўлими томонидан тадбирлар давом эттирилмоқда.

**Мадаминжон АЛЛАЕВ, Сергели туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими катта суриштирувчиси.**

**ГЁТЕ ИНСТИТУТИ БЕШ ЁШДА**

Ўзбекистонда Гёте институти ўз фаолиятини бошлаганига беш йил тўлишига бағишланган тадбир ўтказилди.

— Ўтган йиллар мобайнида таълим ва маданият соҳасида институти томонидан талай ишлар қилинди, — деди тадбир очилишида сўзга чиққан Германиянинг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Мартин Хеккер. — Тингловчиларнинг Германия олий ўқув юртларига қирадиган даражада тилни ўрганишлари учун атиги тўққиз ой кифоя қилаётганлиги ҳам сўзининг исботидир.

Шунингдек, М.Хеккер Гёте институтининг директори, доктор Элизабет Латаро ишчи янги раҳбар Кристиане Гюнтерга топширганлигини маълум қилди.

Ўтган беш йилда институти ўсди, деб таъкидлади Э.Латаро. Немис тилини ўргатиш, ахборот ишлари ва маданий дастурларни йўлга қўйишга муваффақ бўлди. Алоқалар ўрнатилган бу жараёнларни биринчи босқич дейишимиз мумкин, эндиликда уни ривожлантиришимиз зарур. Умид қиламанки, келгусида институти ўз биносига эга бўлади.

Институтининг беш йиллигига бағишлаб Ўзбекистон миллий театри сахнасида режиссёр Авлиёкули Хўжақулиев томонидан Готхолд Лессингнинг "Донишманд Натан" спектакли қўйилди.

Швейцариянинг Тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги ҳамда мамлакатимиздаги элчихонаси ташаббуси билан Тошкент ва Бухорода "Тяньшан Швейцария экспресс" гуруҳи томонидан концерт дастурлари намойиш этилди. Мазкур гуруҳнинг илк концерти Ўзбекистон Давлат консерваториясида бўлиб ўтди.

**МУСИКА  
ХАЛҚЛАРНИ  
БИРЛАШТИРАДИ**

— Швейцария, Австрия, Қирғизистон ва мўғулистонлик йилгирма нафар санъаткорни бирлаштирган "Тяньшан Швейцария экспресс" гуруҳида ўтган йили асос солинганда, — деди тадбирда сўзга чиққан Швейцариянинг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Вильгельм Майер. — Шу йилнинг ўзиданоқ гуруҳ аъзолари томонидан Германия ва Швейцарияда ўнлаб концертлар намойиш этилди. Ижро этилган барча анъанавий куй-қўшиқлар европалик санъат ихлосмандлари томонидан илиқ кутиб олинди. Бугун янграйдиган куй-қўшиқлар турли миллат вакиллари санъатининг ўзига хос ва бетакрорлигини яна бир бор исботлади. Бу куй-қўшиқларнинг бир-бирига уйғунлашиб кетиши аса тўпланганлар қалбига бир олам завқ-шавқ бағишлайди.

Илк кўшиқ янграши билан барча томошабинлар диққат-эътиборларини сахнага қаратишди. 2002 йил БМТ ташаббуси билан Тоғлар йили деб эълон қилинганда. Турли мамлакатлар санъаткорлари Тоғлар йилига бағишлаб ҳозирги концерт дастурини тузишди. Гуруҳнинг бу ерга келишидан мақсад, янги ҳамкорларни, яъни Ўзбекистон, Тожикистон ва Қозғоғистон санъаткорларини ўз сафларига жалб қилишдан иборат.

"Туркистон-пресс"

**Шурфа олам**

**ФОЗЛАР ХУЖУМИ**

Яқиндагина Буюк Британияда содир бўлган «кутурган сигирлар» воқеаси ҳаммагининг ёдида бўлса керак. Оқибатда қанча сигирлар йўқ қилиб юборилди, Европага сотилган гўшлар қайтариб олинди. Бу шов-шувлар босилмасданок исландиялик фермерлар яна бир «оммавий» хужумга йўлиқдилар. Бало-қазо тўрт оёқда эмас, қанотларда келди: яшил майсаларни яхши кўрадиган Гренландия фозлари қишлоқ уштор ташриф буюришди.

Фарбий киргоқдаги кўриқхонада макон тутган фозлар очофатлиги билан ном қозонган. Улар яқин ўртадаги ўтлоқларга, дала-ларга чинакамга босқин уюштиришмоқда. Гувоҳ бўлганларнинг айтишича, 80-90 фоз бир кунда битта, росмана етилган буқа ейдиган хашакни кўрдим демас экан.

«Бир неча фоздан иборат тўдани тасаввур қилинг, улар ўтларнинг илдизини ҳам қолдирмапти, — деб ҳикоя қилади. Исландия фермерлар ассоциациясининг вакили, — бу ниҳоятда хавфли бўлди, худди учувчи сигирларнинг ўзгинаси».

Фермерлар ҳукуматга фозларнинг бир қисмини отишга рухсат берилишини сўраб мурожаат қилишди. Лекин ҳали жавоб бўлгангача йўқ. «Исландияга хозир жаҳондаги жами Гренландия фозларининг учдан бир қисми қишлоқга келган, — дейилади петицияда, — агар уларнинг сонини камайтирмас эканмиз, жаҳон кезиб, хайр-эхсон йиғишдан ўзга илоҳимиз қолмайди». «Қанотли дўстлар»нинг бу душманлиги чиндан ҳам ташвишли экан. Лекин ҳар нарсанинг даво-си бор, дейишади. Ишқилиб, фермерларнинг мушкулларини яратганларни ўзи осон қилсин.

**ЯХШИЛИК БИЛАН ТУГАДИ**

Бу гоят таҳликали, лекин охири яхшилик билан тугаган воқеа Иудея саҳросининг дараларидан бирда содир бўлди. Сайёҳлар ниҳоятда яхши кўрган сўқмоқ йўлда, торғина йўлак бирдан одамлар билан тирбанд бўлиб кетди. Маълум бўлишича, бу ерда саккизта сайёҳлар ғуруҳи учрашиб қолган экан. Шунангачи тўполон, тикилган рўй бердики, асти кўверасин...

Икки сайёҳ амаллаб тикилдан чиқиб олиб, яқин орадаги аҳоли яшайдиган пунктга етиб бориб, рўй берган воқеани тегишли жойга хабар беришди. Кун ботгунча сайёҳларнинг ярмини дарадан олиб чиқишди. Қолганлари эса тунни «асир»-ликда ўтказишди. Хайриятки, ҳеч ким зийн-харमत кўрмади.

«Бирон нарсани қаттиқ яхши кўриш ҳам лўнда яхшиликка олиб бормайди», дейди халқимиз. Юқоридаги воқеа шунга битта мисол.

**Тошкент шаҳар, Яқкасарой туманидаги 1 сонли давлат нотариал идорасидаги ўрни бўш нотариуслик лавозимига нотариал фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлганлар учун танлов ўтказилади. Унга қатнашишни истаганлар бир ой муддат ичида шаҳар Адлия бошқармасига мурожаат қилишлари лозим.**

Тошкент шаҳар ҳокимияти "Камолот" ёшлар иқтисодий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими

**“Севимли шаҳрим” акцияси доирасида “Дилимдасан-пойтахтим” энг яхши эстрада қўшиқлари мавзусида кўрик-танловини эълон қилади**

Маълумотлар ТТВ телеканали, “Пойтахт-информ” радиостанцияси, “Тошкент оқишони”, “Вечерний Ташкент”, газеталарида.

**Кўрик-танлов шартлари:**

Ижрочиларнинг ёши чегараланмаган;

Танловда ҳаваскорлар ва профессионал ижрочилар қатнашиши мумкин;

Қўшиқ илк бора ижро этилиши керак;

Қўшиқ сифатли аудиошуналарга (минидиск, CD) ёзилиши керак.

Таклифлар 1 октябрдан қабул қилинади.

**Энг яхши кўшиқ тайёровчи ҳажамлар ва радиопуқлислар томонидан аниқланади.**

www.tashkentkamolot.uz

Мавзун: Тошкент шаҳар, 700005, Мовароуннаҳр ўлкаси, 14 Маълумот учун телефонлар: 133-21-05, 133-38-03



Кўнгирик сочли, бўйчангина ва қорачадан келган Оқгулни ким учратмасин, унга омад тилаш билан бирга, нимагадир эркалаб, юпатишга киришайтгандай туюлади. Лекин бунга Оқгул болаларча оғишмай, мулоқотда жиддий ва ўта самимий бўлиб қолаверишга ҳаракат қилади. Спортда голиб бўлиш ёки мағлубиятга учраш қанчалик оғир бўлмасин, ҳар бир спортчи ўз ички ке-чинмалари, бу борадаги туйғулари бир маромда ушлаб туришга уринмасин, у барбир ат-рофдагиларга сезилади. Оқгул эса ҳар доим бирдай. Ютадими ёки ютказадими у ҳеч қачон ўз ташвишларини ташқи кўринишда сездирмасликка уринади. Бир неча бор у билан уюштирилган матбуот анжуманларида умидли спортчимизнинг саволларга аниқ, лўнда жавоб қайтариши ҳам кўпчиликини ҳайратга солганди. Хусусан, 2002 йилда Тошкентда ўтказилган Осиё чемпио-нати турнирида хиндистонлик Сония Мирза билан ўйинда Оқгул имконияти даражасидаги ўйин кўрсатолмай панд берганди. Сабабини эса турнирда ўзи мустақил равишда тайёргарлик кўрга-ни, мураббийси йўқлигидан, дея изоҳлаганди. Яқинда эса кўпчиликка маълум, О.Омонуро-дова Жанубий Кореяда бўлиб ўтган халқаро универсиада ўйинларида қатнашиб, бронза медали-ни кўлга киритди. Бишимизча, энди Оқгулнинг мураббийси ҳам бор. Шаҳримизда иккинчи марта ўтказилаётган Осиё турнири олдидан Оқгул Омонуродова билан сўбатимиз шундан бошланди.

— Ҳақиқатан ҳам шу йил бошидан бери менга катта тажрибага эга Шамиль Чебо-тарев мураббийлик қилмоқда, — дейди Оқгул. — Шу боисдан ҳам кейинги вақт ичида олган сабоқларим, эришган муваф-фақиятларим учун бу инсонга ўз миннат-дорчилигини билдирмоқчиман. Қолавер-са, шу қисқа давр мен учун катта мактаб бўлди десам адашмайман. Кўп бўлмаса ҳам, бир нечта турнирларда қатнашишга улгур-дим ва яхши ўйин кўрсатишга ҳаракат қил-дим. Тўғри, умумий натижаларим унчалик хотиржамликка ундамайди, лекин ҳар ҳолда ёмон эмас.

— Тошкентда 2002 йилда ўтказилган Осиё чемпионатида кейин иштирок этган турнир-ларингиз ва эришган ютуқларингиз хусусида биров батафсилроқ тўхталиб ўтсангиз.

— Филиппинда ўтказилган мукофот жамғар-маси 10.000 АҚШ долларига тенг иккита турнир-да қатнашиб, иккинчисида финалга чиқдим. Хиндистонлик Бомбей ва Пуни шаҳарларида бўлиб ўтган турнирлар натижалари ҳам яхши бўлди. Жумладан, биринчи турнирда жуфтликда голибликни кўлга киритдик. Кейин яна Хиндистонда, Бангалор ва Чинанда-ги турнирларда қатнашдим. Чинанда Иван-на Исроилова билан жуфтликда муваффа-қият қозондик. Яқка тартибда эса финалга-ча етиб келдим.

Апрель ойида Бомбейда ўтказилган ик-кита турнирнинг биринчисида яқка ва жуфтликда галабага эришдик, иккинчисида яна финалга чиқдим.

Бундан ташқари, терма жамоа таркиби-да Ирода Тўлаганова, Иванна Исроилова ва мен Япониянинг Токио шаҳрида ўтказил-ган Федерация кубоги учун мусобақаларда қатнашдик. Аммо уч қарра имкониятлари-мизни бой бердик, яхши ўйин кўрсата ол-мадик. Ирода ҳам, Иванна ҳам, менинг ўзим ҳам бирданга шижаст олганимиз ўйин натижаларига ўз таъсирини кўрсатди.

Эзинг бошида Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида Олимпияда бўлиб ўтган стадион-да мусобақада қатнашганим менда катта таассурот қолдирди. Кетма-кет ўтказилган Ингинондаги турнирда (бу ҳам Жанубий Ко-рея) яқка ўйинда голиб бўлдим. Бир оз дам олганимдан кейин август ойининг бошида Туркиядаги турнирга жўнаб кетдим. Чорак финалга чиқганимда оёғимдан жароҳат ол-дим. Нима бўлса бўлар деб, режалаштириб кўйган Таиланддаги турнирга кетавердим. Омад қилиб бодқимиз, ҳар ҳолда кутилма-ганда финалга чиқдим. Дарвоқе, шу ерда бир нарсасга алоҳида эътибор бериб ўтмоқ-чиман. Таиландда биринчи бор бўлишим эди. Бошида жароҳат умумий қайфиятимга катта таъсир кўрсатди. Теннис кортига яқинроқ бўлган мижмонхонага жойлашиш ниятида нима қилишни билмай турганим-да, турнирда қатнашайтган таиландлик Ви-лован Гоптанг менга яқиндан ёрдам бер-

ди. Ҳаттоки юқларимни кўтаришиб юрди. Бу ердаги эришган ютуқларимда янги дўстимнинг хизмати катта деб биламан.

Таиланддан қайтишим билан Жанубий Кореянинг Даэгу шаҳрида ўтказилаётган халқаро универсиадада қатнашишга таклиф этишди. Бу ерда 170 давлатдан келган олий ўқув юртлири талабалари спортнинг деяр-ли ҳар бир тури бўйича мусобақаларда иштирок этди. Узбекистондан теннисчилар орасида фақат мен бўлдим ва етти нафар дзюдочиларимиз ҳам турнирда қатнашди. Таиланддан кейин даволанишга вақт бўлма-

ди. Ҳаттоки юқларимни кўтаришиб юрди.

— Отам «Олтин хирмон» корпорацияси-да чилангар-монтажчи бўлиб ишлайдилар. Онам мусиқчи. Миллий рақс ва хореогра-фия олий мактабда дарс берадилар. Укам 11-синф ўқувчиси. Кўриб туришимиздек, спорт билан фақат мен шуғулланаман. Ота-онам ютуқларимга ҳам, мағлубиятимга ҳам бирдек муносабатларини сақлаб қолишга уринишади. Спорт билан бевосита машғул бўлганларни боис, улар менга ҳар доим фарзандаг бўлган муносабат — меҳр би-лан қарашади, ҳар бир нарсасга айнан ота-она сифатида фикр бил-диришади.

— Демак, теннис билан шуғулланишга улар ундашмаган?

— Йўқ, бунга айнан ота-онам сабабчидир. Бўш вақтимни бекор ўтказмаслигим мақсади-да улар мени 7 ёшимда биринчи марта теннис клубига олиб келишган. Ракетка оғир дедим, бо-шқа сабабларни рўқча қилдим, ҳуллас теннис билан шуғулланишга улар ундашмаган?

— Бугунги кунда ҳам сизга голиб-лик куч бағишлайди, шундайми? Кейин-ки бир йил ичида анча муваффақи-ятларга эришибсиз. Галдаги турнир — Осиё чемпионатига қандай тайёрлан-дингиз?

— Нафақат спорт, балки ҳар бир соҳада эришилган ютуқ инсонларга куч-ғайрат ба-ғишлайди, ўзига бўлган ишончини мустаҳ-камлайди. Лекин спортда айниқса, теннис-да эришилган голибликни ҳар сафар тас-диқлаб туриш керак. Бугун кўлга киритган юқори натижаларимиз эртага ўртача бўлиб қолиши, бошқа кимдир сендан ўзиб кети-ши табиий ҳол. Шу боисдан ҳам спортда устун келиш учун доим курашда бўлиши лоз-им.

Бу йили эришган бир нечта муваффақи-ятларим мен учун биринчи навбатда, юқори-да айтиб ўтганимдек, катта мактабдир. Уйлайманки, уларнинг бари ушбу турнирда яхши натижаларга эришишимга туртки бўлади. Осиё чемпионати мен учун яна бир катта синов, нега деганда у юртимизда ўтказилмоқда. Демак, Ватаним шарофи учун она шаҳримда ҳам яхши зафарларни кўлга киритишим зарур.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА** сўхбатлашди.

**• ЧЕМПИОНАТ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

**ОКГУЛ ОМОНУРОДОВА:**

**«БУ ТУРНИР МЕН УЧУН КАТТА СИНОВ»**

**Спорт**  
**Чавандозлар**  
**беллашди**

Киргизистоннинг Бишкек шаҳрида Киргизистон Республикаси Президенти Кубоги учун улоқ кўпкарли буйича анъанавий турнир уюштирилди. Ушбу мусобақаларда 7 та давлатдан 8 та жамоа қатнашди. Шуниси қизиқки, турнирда моҳир чавандозлари билан иштирок этган Ўзбекистон терма жамоасидан бу сафар омад юз ўғирди. Авваллари доимо халқаро турнирларда пешқадамликни қўлдан бермайдиган чавандозларимизга бу сафар тўртинчи ўрин насиб этди. Турнир ғолиблигини мезбонлар — Киргизистон терма жамоаси чавандозлари эгаллашган бўлса, қозоғистонликлар иккинчи, тожикистонликлар учинчи ўрин билан кифояланишди.

**Автопойгачилар**  
**мусобақаси**

Мирзо Улугбек туманидаги Пушкин кўчасида автопойга буйича Тошкент шаҳар чемпионати баҳслари бўлиб ўтди. Мирзо Улугбек туман ҳокимлиги ва Тошкент автомобиль федерацияси ҳамкорлигида уюштирилган ушбу мусобақаларда иштирокчиларга 2 километру 80 метрлик масофани 15 мартаба айланиб чиқишлари шарт қилиб қўйилди. Мусобақалар якунида эса биринчи ўрин «Олим Тайфун» клубидан Сергей Мукурдумовга насиб этган бўлса, иккинчи ўринни унинг жамоадоши Александр Селенко эгаллади. АСХ «Виктор» клуби аъзоси Виктор Храмов эса учинчи ўрин билан кифояланди. Ғолиб ва совриндорларга мусобақа ташкилотчиларнинг совринлари ҳамда эсдалик совгалари тўхфа этилди.

**Енгил атлетикачи-**  
**лар — ғолиб**

Икки кун давомида «Пахтакор» марказий стадионида енгил атлетика буйича ўтказилган республика очик чемпионати пойтахтлик спортчиларга омад келтирди. Нуфузли мусобақаларда Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан ташриф буюрган спортчилардан ташқари қозоғистонлик енгил атлетикачилар ҳам иштирок этишгани қувонарли ҳолдир. Енгил атлетикачилар мусобақаларни икки гуруҳга бўлинган ҳолда ўтказишди. Биринчи гуруҳдан Тошкент-1 ва Тошкент-2 жамоалари, Тошкент вилояти, Самарқанд, Фарғона, Андижон вакиллари жой олишган бўлса, иккинчи гуруҳда Қашқадарё, Навоий, Жиззах, Бухоро, Сурхондарё вилоятлари жамоалари ўзaro куч синашишди. Энди бевосита мусобақаларга тўхталадиган бўлсак, енгил атлетикачиларимиз, хусусан Тошкент-1 ва Тошкент-2 жамоалари яхши тайёргарликка эга эканликларини исботлашди. Умумжамоа ҳисобида биринчи гуруҳ ғолиблигини Тошкент-1 жамоаси қўлга киритган бўлса, иккинчи гуруҳда қашқадарёлик енгил атлетикачилар рақибларидан кўра маҳоратлироқ эканликларини исботлашди. Шуниси эътиборлики, беллашувларда биринчи ўринни эгаллаган енгил атлетикачиларимиз Филиппинда ўтказиладиган Осиё чемпионатида ҳамда Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида уюштирилаётган Марказий Осиё ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

(Ўз мухбиримиз)

**“UzTel -2003” КЎРГАЗМАСИ**

Ўзэкспомарказда “UzTel -2003” телекоммуникация ва ахборот технологиялари кўргазмаси очилди. Кўргазма Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, БМТ Тараққиёти дастури ва “Itesa Osiya” компанияси томонидан уюштирилди.

— Тўрт йилдирик, пойтахтимизда телекоммуникация ва ахборот технологиялари буйича халқаро кўргазмаси бўлиб ўтади, — деди Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Максум Маҳмудов “Туркистон-пресс” мухбирига. — Бу йил эса кўргазма доирасида илк маротаба миллий анжуман ўтказилапти. Кўргазмада Буюк Британия, Исроил, Германия, Швейцария, Япония, Қозоғистон, Россия, Туркия каби давлатлардан 80 дан зиёд ком-

паниялар иштирок этмоқда. Бугунги замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари бизнеснинг турли соҳасида муваффақият қозонмоқда. Интернет тармоғи орқали ёшларимиз ўз билимларини янада бойитмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мазкур кўргазма Ўзбекистонда ахборот технологиялари аҳолини баҳолашга, унинг ривож буйича тақлифлар ишлаб чиқишга ҳамда ҳамкорликни кенгайтиришга имкон яратади. Маълумки, 2001 йили БМТ томонидан халқаро саммитга дав-

латларнинг тайёргарлиги буйича икки босқичда ахборот-коммуникация технологиялар (АКТ) жаҳон саммитини ўтказиш кўзда тутилган эди. Унинг биринчи босқичи шу йилнинг 10-12 декабрь кунлари Женевада, иккинчи босқичи 2005 йили Тунисда бўлиб ўтади. Ҳозирги кунда миллий саммит Киргизистон, Россияда бўлиб ўтди. Ўзбекистондаги миллий саммит дастури буйича қатор тақдиротлар ўтказилади, USAID, ЕТТБ, IREX, ЕХХТ, Очққ жамият институти, Халқаро банк ва Европа ўйи халқаро ташкилотларидан вакиллар ўз маърузаларини тақдим этишади. Миллий саммит охирида Ўзбекистонда АКТ буйича қарорлар қабул қилинади.

“Туркистон-пресс”

**«02»: ҲОДИСАЛАР**

**ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ**

Мумтоз шоирамиз Нодира айтганидек «Фарзанд меҳри аристар гам зангини кўнгулдин». Дарҳақиқат, фарзанд билан диллар чароғон, гам-андуҳ бегона. Аммо гуруч қурмакис бўлмаганидек, ноқобил фарзандлар ҳам ҳаётимизда учраб туради.

Алишер 10-синф ўқувчиси. У одобли, тарбия кўрган, аълочи ўқувчилардан бири эди. Оилада ёлғиз ўғил. Онаси Ҳакима опа ўй бекаси.

«Фалокат оёқ остида» деганларидек Алишернинг отаси тўсатдан вафот этди-ю ҳеч нарсадан камчилиқ кўрмай яшаётган йигитчага анча қийин бўлди. Онаси ҳеч қаерда ишламайди, ўғлининг эса бирор иш қўлидан келмайди.

Ҳаёт қийинчилигини кўтара олмаган Алишер дарсларни қолдирадиган, кўчада санғийдиган одат чиқарди. Бора-бора кўчадан безори оғайниллар орттирди. Ёлғиз онаизорнинг

ўғлига кучи етмай қолди. Ҳакима опанинг кўз ёш аралаш қилган насиҳатлари унга таъсир этмади.

Бир кун ийқуда ётган онаизор, тонг ёришмасдан телефонинг жиринглашидан уйғониб кетди.

— Алло, ҳа, мен Алишернинг онасиман. У кўрқувдан қалтирай бошлади. Тезда қийиндию айтилган жойга йўл олди.

Ўғлини панжара ортида кўриб, ўша ернинг ўзида хушидан кетиб йиқилди... Йиқилдию қайтиб бошқа ўрнидан туролмади.

Маълум бўлишича, Алишерга битирув оқшоми учун пул керак бўлган. Шу ўйда юрганида бир-икки

безориларга қўшилиб қолган. Қурбонали, Саидбек, Рустам исми йигитлар билан тил бириктириб «Карвон» автоулов безоридоғи контейнернинг тагини тешиб, 1968 йилда туғилган, тадбиркор, Сергели туманида яшовчи Я. Олимовнинг 100.000 сўмлик моллари, 200 АҚШ доллари ва 25 блок «Пайн» сигареталарини ўғирлаб кетишган. Ўғирланган молларни шу туманда жойлашган кўп қаватли бинонинг ертўласида «арра» қилишаётган вақтда далилий ашё билан қўлга тушишган.

Ҳа, қилмиш — қидирмиш. Энди Алишер айна ўқиб, дил олиш, ёшлик ғайрат-шижоатини фойдали меҳнатга сарфлаш ўрнига «темир панжара» ортида ўтириб қилмишлари учун жазоб беради.

Адибахон ҒАЙРАТ қизи.

**КОРТДА**  
**ЁШ ТЕННИСЧИЛАР**

«Қамолот» спорт клубининг Тошкентдаги теннис кортларида «Соғлом авлод учун» кубоги учун болалар ўртасида VII Халқаро теннис турнири ўтказилмоқда. Турнирда Қоракалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан тўрт нафардан ёш теннисчилар, шунингдек қўшни Қозоғистон, Киргизистон ва Россия давлатларидан жами 80 нафар спортчилар иштирок этишмоқда.

— «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан «Маънавий ва жисмоний соғлом авлодини тарбиялаш» дастури доирасида муайян ишлар амалга оширилмоқда, — деди турнир очилиш маросимида сўзга чиққан жамғарма раиси Светлана Иномова. — Бу дастурларда халқаро ва республика фестиваллари, кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ва бошқа таълим-тарбия тадбирларини ўтказиш назарда тутилган. Жумладан, жамғарма томонидан 1997 йилдан буён «Соғлом авлод учун» кубоги учун болалар ўртасида халқаро теннис мусобақалари турнири ўтказиб келиниши бунга мисол бўла олади. Бу галги турнир мамлакатимизда теннис буйича Осиё чемпионатининг навбатдаги ўйинлари ўтказилаётган бир вақтда ташкиллаштирилди. Турнирни ўтказишдан мақсад, мамлакатимиздаги тенниссевар ёшлар ичидан истеъодлиларини танлаб олишдан иборат. Мусобақада республикамизнинг энг кучли ёш теннисчилари аниқланди. Улар келгусида мамлакатимиз шарафини халқаро теннис турнирларида ҳимоя қилишади.

Турнир иштирокчилари Олимпия шон-шухрати музейи, Темурийлар тарихи Давлат музейи, «Старт» сув ҳавзаси ва Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларини томоша қилишади. Бундан ташқари, мусобақа иштирокчилари теннис буйича ўтказилаётган Осиё чемпионати ўйинларини бепул томоша қилишади.

Турнир ғолиблари «Соғлом авлод учун» кубоги ҳамда дипломлар билан тақдирландилар.

**Ҳангоналар**

У сочлари ўсган, тўзиган ҳолда сартарошхонага кириб келди. Бироз навбат кутиб ўтиргандан сўнг, сартарош кўрсатган ўриндиққа ўтирди, беш дақиқа вақт ўтмасданоқ соч олинди бўлди. Устадан неча сўм тўлашини сўради.

— 500 сўм, — деди сартарош.

— Нега 500 сўм бераман, бошимнинг тепасида бир дона ҳам тук йўқ. Шу сабабли 5 дақиқага қолмасдан сочни олиб бўлдингиз. Шунинг учун мен сизга 250 сўм бераман, — деди мижоз.

— Акамўлло, хафа бўлманг, — деди сартарош, — бизнинг нархномамизга яримта бош ёзилмаган, 500 сўм бераверинг.

\*\*\*

Кўзвийонинг ўғли Ҳазратқул шаҳар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш идорасида ишлайди. Унинг мўйлов кўйганини энди кўришим. У кўзида кўзойнак, буйида галстук, шоҳқўчалардан бирида кетаётган экан, саломлашдик. Сўнг мен унга ҳазил аралаш дедим:

— Сенга мўйлов жуда ярашибди-да, яқинда мўйлов оши ер эканмизда.

— Бош устига, сиз билан ош есақ яхши бўлади, лекин бу мўйловнинг хосияти жуда катта. Бутун ер юзида атроф-муҳитни муҳофаза қилишни экология иши деб аташади. Атроф-муҳит ўз-ўзидан булганган эмас, тупроқ, сув, ҳавони сиз билан биз, яъни одамлар булганган. Одамларнинг лоқайдлиги сабабли атроф-муҳит ифлосланиб келмоқда. Оддий мисол: ичиб

турган сувимизда кальций микдори 20 миллиграммдан ошмаслиги керак. Ҳавони айтмайсизми, кимё корхоналари, цемент ва асфальт чиқарувчи заводлар уни булғатиб туради. Булар тўғрисида алоҳида маъруза қилиш мумкин. Энди мана бу мўйлов эса бурундан ўтишга ҳаракат қилаётган ифлос ҳавони озми-кўпми филтрлаб туради. Натжида мўйловли киши кечаю кундуз бемалол нафас олиб юриши мумкин, — деди Ҳазратқул, — мўйлов ўстиринг, ака мўйлов.



Изоҳга ҳожат йўқ.  
Абдурасул Ҳақимов чизган расм.



**Бош муҳаррир**  
**Акмал АҚРОМОВ**

Муассис:  
Тошкент шаҳар  
ҳокимлиги

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 132-11-39,  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳақими — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.  
4204 нусxada босилди. Қозғо биринчи А-3

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума  
кунлари чиқмайди.  
Навр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат  
матбуот қўмитасида  
Юрғали билан рўқбатга олиниган

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлиқларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишни мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-инфо-ақпаратлик компанияси босмакўнасо.  
Қорхона манзили: «Буюк Тўро» кўчаси, 41-уй.